

Конституция байрами арафасида кўпгина юртдошларимиз қатори менга ҳам Ватан муқофотини муҳтарам Президентимиз қўлидан олиш насиб этди. Ва ўша ҳаяжонли лаҳзаларда у кишининг Қашқадарё вилояти раҳбари сифатида эл-улуснинг дардига малҳам бўлиб, собиқ марказдан юборилган қора кучларга қарши матонат билан курашгани, халқни зулм ва зўравонлик, хўрлик ва ҳақоратлардан мардона ҳимоя қилиб, оғир муаммолар гирдобига тушиб қолган вилоятни оёққа қўйгани, тараққиётнинг ёруғ йўлига дадил бошлаб чиққани хаёлимдан ўтди.

Едимда, 1987 йилнинг вилоятлари. Ислон Абдуганиевич вилоят раҳбари сифатида яқинда иш бошлаган кезлар. Газетада кўклагим дала ишларига тайёрлик ҳақида танқидий-таҳлилий мақола чиқди. Ва ўша кунги бош муҳаррир хузурига чақириб қолди.

— Вилоят раҳбари телефон қилиб, сизга миннатдорлик билдирдилар, — деди у ҳаяжон билан. — Шу мавзуга яна қайтиб, таҳлилий мақола ёзсин, жойлардаги раҳбарлар ушбу муаммони қандай ҳал этаётганини кўрсатиб берсин, дедилар.

Менинг кўнглим ёришиб кетди. Чунки аввал бундай ҳолис муносабат ва диққат-эътибор ҳеч қачон бўлмаган.

Ислон Абдуганиевич ҳар ойда бир марта журналистлар билан ижодий мулоқот ўтказиб, ҳаёт илгари сураётган масалаларга бизнинг эътиборимизни қаратиб, ўзлари чизиб ўқиган мақолаларни кўрсатар, қимматли фикр ва мулоҳазалар билдириб, бизни руҳлантирар, қанот берар эди.

Айниқса, танқидий-таҳлилий мақолалар вилоят раҳбариди жиддий муносабат уйғотар, муаллифга миннатдорчилик билдириш билан бирга, тилга олинган хўжалик раҳбари билан шахсан гаплашар, бу иллатлар қаёқдан келиб чиқаётганини билишга, уларни биргаликда бартараф этишга ҳаракат қилар эди.

Бундан айрим раҳбарлар норози бўлса, Ислон Абдуганиевич, журналистларимиз мана шундай ҳаётий масалаларни бартараф этишда бизга яқиндан ёрдам бераётган экан, бунинг учун уларга ташаккур дейишимиз керак, деб ўқитар эди.

Вилоят раҳбари бу гапларни сўёсат учун айтмас эди, у киши одамнинг юрагига олов солиб, доимо ёниб яшашга даъват этарди. Шу билан бирга, кексиз даражада талабчан, ғамхўр ва меҳрибон эди.

Бунинг бир мисоли сифатида, бутун бир мамлакатда тўс-тўполон, талон-тарож авжга чиққан ўша оғир ва мураккаб йилларда, вилоят телевидение ва радиозастиртириш маркази ва ҳозирги Ижод уйи бинолари барпо этилганини таъкидлаш жоиз.

Бундай ихтисослашган иншоотлар ўша вақтда бирон-бир вилоятда бўлмаган. Ислон Абдуганиевич собиқ марказ мутахассислари тайёрлаган лойиҳаларни вилоятнинг иқлим шароитига мос равишда ислоҳ этиб, яна ўзлари бosh-қosh бўлиб, ички маблағ ҳисобига ушбу қурилишларни бошлаб юборган...

У кишининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида бунёд этилган бундай маъмур иншоотлар, равон йўллар ва муаззам кўприklar, боғу бўстонлар оз эмас!

Эндиликда мамлакатимиз ёнгили-энергетика мустақиллигининг мустаҳкам таянчига айланган Кўкдамалоқ қониди дастлабки кудук 1987 йили пармаланганини кўпчилик билади, албатта. 1988 йили уларнинг сони тўрттага етди. Ҳадемай бу йирик қонда нефть ва газни ком-

плекс тайёрлаш қурилмалари, насос станцияси, компрессор станцияси барпо этилди.

Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг ақл-заковати, сабот ва матонати, заҳматли меҳнати ҳайратомуз мўъжизалар яратди.

Қашқадарёликлар "пахта иши" бўйича жуда оғир жабр тортгани сир эмас. Вилоятимиз оқоқолларидан бири Январ Иноятлов республиканинг ўша вақтдаги бош прокурори Бутирлиннинг: "Отанам Чернобилга яқин жойда яшайди. Авариядан сўнг уларнинг ҳоли не кечди деб жоним ҳалак. Сен бўлсанг, қаёқдаги одамларни гапириб ўтирибсан!" — деганини қайта-қайта таъкидлаган.

Ислон Абдуганиевич вилоятга раҳбар бўлиб келгач, ана шу

мажлисда мана шу ташаббуснинг тепасида турган раҳбарнинг кўзига тик қараб, бу вилоят истиқболли саноат минтақаси эканини, аҳоли мислиси суратда ўсиб бораётганини, шу нуқта назардан, бундай қарор қабул қилиш нотўғри эканини очик-ошқора айтиш ва унинг ноҳақ эканини исботлаб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

1988 йилнинг 17 майида Нишон туманидаги "Туркменистон" хўжалигида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган катта йиғилиш бўлиб ўтган. Унга айтилган ҳам, айтилмаган ҳам келган. Чунки одамлар вилоят тақдирини қандай ҳал бўлганини билишни истар эди. Шу боис вилоят раҳбарини интизорлик билан кутишган. У кишининг: "Марказқум қарорига ўзгартириш киритилди, ви-

Тўра Шодиевнинг ёстикдоши Зулфина Шодиева наҳот истаб бош урмаган идора қолмайди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади.

Ислон Абдуганиевич вилоятга раҳбар бўлиб келгач, ая болаларини етаклаб у кишининг хузурига борди.

Десантчилар эрини қамагани етмаганидек, уйини талаганини, ҳатто онасидан қолган бирдан-бир ёдгорлик — қўлидаги узугини ҳам тортти олишганини айтиб йиғлайди.

"Менинг дардимни у киши жуда диққат билан тингладилар. — деб халқоқ қилади Зулфина ая. — Айтган гапларимни ёзиб-ёзиб олдилар. Кейин: — Опаҳон, — дедилар меҳрибонлик билан, — жуда кўп кишинилик кўрибсан, чидасан, иродангизга балли. Худо хоҳласа, ҳаммасини

Бундай мисоллар жуда кўп. Биз у кишининг қайноқ меҳрини ҳар қадамда сезиб турадик.

Бир кунни вилоят раҳбари "Чўли ота" хўжалигининг Райим Қурбонов етакчилиги қилаётган бригадаси пахтазорларини айланиб кўрган, эл қатори бир пиёла чой ичди. Хайрлашаётган бригадирини четта тортди. Кейин маълум бўлишча, сувни қаердан олганини сураб-суриштирипти. Бригадир хижолат бўлиб, ўзимизнинг каналнинг суви, деб жавоб қилипти.

Уша оқшом вилоят марказида катта йиғилиш чақирилди. Ва кун тартибига аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи жиддий тарзда қўйилди. Шу тариқа бир ой ичида 15 минг аҳолиси бўлган ўша — Дашт қишлоғи тоза ичимлик суви

қишлоқ сув остида қолиши аниқ эди.

Уша пайтда вилоятда 14 та сув омбори мавжуд эди. Уларнинг айримлари тинимсиз ёғаётган жалага дош бера олмасди. Аммо раҳбаримизнинг хўшхўлиги, қатъияти ва жонқурлиги тўғрисида вазият жиловлаб турилган, талофатнинг олди олинган.

Ислон аканинг мана шу фидойилиги тўғрисида ҳамма жонини жабборга бериб ишлаган, натижада теварак-атрофдаги қишлоқлар аҳолиси тинчлиги ва осойишталиги, хотир-жамлиги таъминланган эди.

Буни унутиш мумкинми, ахир?!

Зиёдулла БЕКНАЗАРОВ, меҳнат фахрийси: — Қашқадарёнинг оғир даврда машаққатларни ёниб ўтиши ҳам, бугун гуллаб-яшнаётгани ҳам муҳтарам Ислон Каримовнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу боис, у кишига дилчимдаги ихлосу ҳурмати ифодаси сифатида олти гектарлик қўрмак бир боғ барпо этдим. Хозир боғдаги турфа ниҳоллар ҳар йили шигил ҳосил беради.

Мен ҳам, юрт ободлигига қўлимдан келганича ҳисса қўйсам, дейман. Агар, Юртбошимиз Яқубов томонга сафар қилса, ушбу боғни кўрсатиш ниятим йўқ эмас. У киши ўзлари бошлаб бераётган савобли ишлар эл кўнглида, юрт ҳаётида қандай давом этаётганини кўрса арзийди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Қашқадарё вилоятида ҳам улғувор ишлар амалга оширилди.

Бу муборак заминда мустақиллигимиз мўъжизаси деб таърифланган Шўртан газ-кимё мажмуи, Кўкдамалоқ компрессор станцияси, Шахрисабз тикувчилик фабрикаси каби ўнлаб муҳташам корхоналар, кўплаб замонавий лицей ва коллежлар барпо этилди. Ҳузур — Бойсун — Кўмқўрган темир йўли қурилиши эса жадал суръатларда давом этаётди.

Бугун Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган яратувчилик ишлари кўламини эса кўз илғамайди. Ва бундан кўнглимизда гурурга тўлади. Кўз олдимизда эса, элим деб, юртим деб ўз ҳаловатидан кечган муътабар сиймо намоян бўлади...

Инсон қалбини доимо нурлантириб турадиган унутилмас даялар ҳақидаги қайдинми севишли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов вилоят кенгаши сессиясида ўқиган ва барчамизнинг дилимиздаги, тилимиздаги миннатдорлик туйғуларини изҳор этилган ғўзал шеърини ақулласам, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

*Кимдир мақтанади санъати билан,
Биров илму фанга рағбати билан.
Кимдир шеъри билан
мақтанса, кимдир
Мақтанар мол-дунё, давлати билан.*

*Кимдир ғурмонларини кўкка кўтарса,
Кимдир ўрдадан шохмоти билан,
Уларнинг бари-ку инсонга ҳосидир,
Бирма-бир келгайдир навбати билан.*

*Тошкентда ҳайкал бор бир оилага,
Шон тоғлиш етимга шафқати билан.
Ахли Кеш мақтанса арзийди — Темур
Жаҳоннинг забт этди сарвати билан.*

*Ўзбекининг бошидан зар сочсин дунё —
Топди у ризқини заҳмати билан.
Унинг асосидир — буюк болалар
Бизга ибрат бўлди меҳнати билан.*

*Биздек очорлар-ку ерга қараймиз,
Кимдир осмон бўлди савлати билан.
Қашқадарё халқи фахр этар доим
Исломи яратган шавкати билан.*

Ойдин АНОРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЯШШИЛИК



1988 йили Ислон Каримовнинг ташаббуси билан барпо этилган Ҳузур туманидаги Тоҳир ва Зухра ёдгорлик мажмуининг олди кўриниши.

"қаёқдаги одамлар", яъни ноҳақ қамалган, хўрланган ва ҳақорат этилган кишилар астойдил ҳимояга қилинди, улар озоликка чиқарилди ва инсоний шаъни қайта тикланди.

Бундай ишларни қилиш учун мана шу эл-улуста меҳрини берган, унинг орномуси, тинчлиги ва бахту иқболни йўлида бел боғлаб мардона кураша оладиган жасоратли шахс унга йўлбошчи бўлиши лозим экан...

Ҳаёт бу ҳақиқатни мудоом тасдиқлаб келмоқда. Бугун Ислон Каримов халқимиз, мамлакатимиз рамзи сифатида халқоқ миқёсда нуфузли обрў-эътибор қозongan. Юртбошимизнинг серқирра фаолиятидаги халқпарварлик, юртпарварлик ва узоқни кўзлаб иш юритиш салоҳияти Қашқадарёда, ўша мураккаб даврда ёрқин намоян бўлгани эса аниқ ҳақиқатдир.

Шу боис, қизгин меҳнат, оловли интилишлар ва унинг натижасини кўриб, севишиб, гурурланиб яшган ўша йилларни Қашқадарё аҳли ҳамиша чуқур миннатдорлик билан тилга олади.

Зикрийд АСРОРОВ, Касби туманидаги Алишер Навоий номли хўжалик раиси:

— Саксонинчи йилларнинг ўрталарида вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳоли таназзулга юз тулган эди. Барча соҳаларда ишлар орқага кетган, кундалик таъшишлар ва ғам-қулфатлар одамларини эзиб ташлаган эди. Ана шундай оғир бир пайтда Ислон Каримов вилоятга биринчи раҳбар бўлиб келди. У киши вилоят аҳлининг бутун оғирлигига ўз елкасини тутиб берди.

Ислон Абдуганиевич эл-улус тақдирига дахлдор бўлган кўндан-кўп эзгу ишларни амалга оширди, улар орасида Қашқадарёни Бухоро вилояти таркибига қўшиб юборишдек гаразли ҳаракатни бартараф этгани алоҳида ўрин тутди. Чунки бир пайтлар Қашқадарё Сурхондарё вилоятига қўшиб юборилган. Бу эса одамлар учун фақат азоб ва қийинчилик турдирган. Буни халқ унутмаган эди, шу боис кўли ишга бормай қолди.

Ушанда Ислон Каримов халқнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, ҳаётий далиллар асосида вилоят манфаатларини мардона ҳимоя қилиб чиқди.

Республика миқёсидаги нуфузли

лоятлар қўшилмайди, фақат ишимизни янада яхшилашимиз лозим!" — деган гапи одамларни қандай руҳлантириб юборгани ҳамон ёдимда. Ҳамма оёққа қалқиб, бу қанотли хабарни олишлаган. Бутун вилоятда байрам бўлиб кетган.

Бу воқеа ҳар биримизнинг дилимизда муҳрлиб қолган...

Раҳмат ЖАЛИЛОВ, меҳнат фахрийси: — Ушанда "пахта иши" бўйича уч минг нафардан ортиқ одам жиний жавобгарликка тортилган бўлса, ана шунча одам тинимсиз теровга чақирилар, сўроқ қилинар, хуллас, аҳолига кўнгил хотиржамлиги бегона эди. Бундай пайтда одамларнинг ишдан кўнгли совиб кетарди.

Қарши туманидаги "Истикбол" хўжалигида шундай оила бор. Бу хоннадона Юртбошимизни ўзгача бир ҳурмат ва эҳтиром билан тез-тез эса олиб туришарди. Бунинг сабаби шуки, ушбу тонасон соҳибни ҳам ўз вақтида "пахта иши" қурбонига айланган. У ҳозирги "Истикбол" хўжалигида раҳбар бўлиб ишлаган Тўра Шодиевдир. 1985 йилнинг июнида кўплар қатори Тўра акани ҳам кўзбўямачиликда, қўшиб ёзишда айблаб, узоқ йилга озоликдан маҳрум этишарди. Ун икки нафар фарзанди билан қорасиз қолган аёл,

ўз ўрнига қўямиз, фақат бир оз сабр қиласиз. Насиб этса, хўжайиниғиз камоқдан чиқади. Кўнглини тўқ қилинг. Хозир уйга бориб, оғайниларнинг кўнглини кўтаринг, мана бу болаларнинг ўқишига қаранг. Адолат, албатта, қарор топди."

Мен шўрлик, адолат истаб, ноҳақлигу таҳқирга учраган, дунёдан тўқилган эмасимди, Ислон Каримовнинг бу химмати, қўрсатган меҳру муруватидан ўзимни тута олмай яна йўғлаб қўвердим. У киши жуда вазминлик билан яна менга тасалли бердилар, кўнглимни кўтариб, болаларни эшиккача кўтариб қўйдилар.

Ушанда бунчалик тўлиб кетганим, ўқиниб-ўқиниб йиғлаганларим бежиз эмас эди, шундай ситамни бошидан кечирган одам бунинг нималарини яхши билади. Бизни озмуна хўрлашмаган. Қандай кунларни кўрмадик?! Зардоб ютганми?! Шунинг учунми, уйга етиб келгунча ҳам кўз ёшимни тия олмадим, ҳатто орадан беш-олти ой ўтиб, 1987 йилнинг августида хўжайиним эшикдан кириб келганида кўзларимга ишонмаганман.

У киши шундай рўнарамда турибди, лекин шунга ишонгим келмасди. Чунки бизнинг вилоятда одамлар оқлиб чиқаётган бўлса-да, бошқа жойларда ҳали "қама-қама" авжиди

Мухаммади РЎЗИЕВ, меҳнат фахрийси: — 1987 йил баҳориди кўнли ёмғир натижасида Ҳузур дарёси, Яққабдоғда Оқсув дарёси ва Қашқадарёга катта сел оқимлари қўйилиб, Муборак туманини сув боиси хавфи пайдо бўлган. Вилоят раҳбари аҳвол билан танишгач, бутун техника воситалари ва ишчи кучини шу ерга тўлади. Ҳузур ҳамфа талаб, тоқи хавф бартараф этилмагунча шу ердан бир қарч қилмади. Оёғида кирза этик, эғнида фуфайка, бошида телпак, шаррос ёмғир остида, дамба устида ишни назорат қилиб турди.

Сув тоқшини Муборак чўлидаги Сенгиз чўли ва Сегай кўлига бурчи юборилди. Лекин, Чирокчи туманидаги 9 миллион кубометр сизимга эга бўлган Қалқам сув омборига қутилмаганда келиб қўйила бошлаган сув пастки туманлар аҳолисининг ҳаётини хавф остида қолдирди. Аҳвол ташвишли эди. Чунки теварак-атрофда жойлашган қишлоқлар аҳолисини қучириш учун вақт йўқ эди. Сув омборидан тошган селни ўтказиб юбориш учун 250 кубометрилик хавфсизлик қувири ташланиб, ортиқча сув Қўмдарёга тушириб юборилди. Бу иш тезлик билан амалга оширилмас, "Чияли" хўжалигидаги 28 та

XXI-АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ЖУРНАЛИСТЛАР ЯРАДОР БЎЛИШДИ

"РИА Новости" ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, 29 январ кунини Ироқ пойтахти Бағдод ақинида жойлашган Тажди шаҳрида АҚШнинг "Фри-Би-Си" телеканали бошловчиси Боб Вудфас ва оператор Дуг Вогтлар оғир ярадор бўлишган.

Маълумотларга қараганда, ҳарбийлар қуриқлаб бораётган журналистларнинг "Жин" автомашинаси миная дуч келган. Кейин эса уларни жангарилар ўққа тутган. Натижада ҳар икки журналист ҳам бош қисмидан жиддий жароҳат олган. Айни кунларда улар Ироқда жойлашган ҳарбий госпиталлардан бирини даволатлаштиришмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Ироқ дунё бўйича журналистлар учун энг оғир ҳудудлардан бири бўлиб қолмоқда. АҚШ ҳарбийлари Ироқ ҳудудига кириб келган 2003 йилнинг мартидан бошлаб, то бугунга қадар бу мамлакатда 60 нафардан ошди журналист қурбон бўлган.

ПРЕЗИДЕНТ АҚШНИ АЙБЛАДИ

Венесуэла президенти Уго Чавес Халқаро ижтимоий форум иштирокчиларини АҚШга қарши бирлашганга даъват этди. У АҚШ ҳукумати Ироқ ва бошқа бир қатор мамлакатларда уруш оловини ёққанликда айблади. Шунингдек, у ўтган йиллар давомида АҚШ армияси киритилган Панамадан тортиб, Ироқкача бўлган барча давлатларни номма-ном санаб ўтди ва бу юртларда юз берган хунрезликлар учун айнан АҚШ айбдор эканини алоҳида таъкидлади.

СУД ҚОЛДИРИЛДИ

Сўнги маълумотларга қараганда, Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн устидан бошланган суд мажлиси чоршанба кунига қадар кенаятирилган бўлди. Бунга Саддам Хусайн ва унинг адвокатларининг бош судья Рауф Абдул Раҳмондан норозиликлари сабаб бўлди.

Судья Рауф Абдул Раҳмон суд шаънига бўлмағур ҳақорат гапларни айтган Саддам Хусайннинг тутинган акаси Саддам Барзан Тикритини суд залидан чиқариб юборди. Судьянинг қароридан норози бўлган Саддам Хусайн ва унинг адвокатлари ҳам суд

ФОЖИА САБАБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Польшанинг Катовица шаҳрида ҳар йили почта қабурларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Афсуски, шу йилнинг 28 январ кунни бўлиб ўтган кўргазма фожиали туғди.

Уша кунни Катовица шаҳри саавдо кўргазма мажмуида хабарчи қабурларни томоша қилиш мақсадида ўртача 500 дан 1000 нафаргача одам тўпланганди. Маълумотларга қараганда, уларнинг орасида Германия, Бельгия, Чехия, Словакия ва Голландия фуқаролари ҳам бўлишган. Қутилмаганда саавдо кўргазма мажмуининг томи босиб қолиши оқибатида 66 нафар киши қурбон бўлган, 160 нафардан ошди фуқаролар эса турли даражадаги тан жароҳати олишган.

Польша расмийлари аввалига фожиа сабаби сифатида қурилишда йўл қўйилган камчиликларни ва саавдо кўргазма мажмуи томи оғир қорни кўтара олмаганини кўрсатишган эди. Лекин мажмуа қурилиши иштирокчилари бу сабабини инкор қилишмоқда. Чунки мажмуа замонавий талаблар асосида қурилган. Қолаверса, яқин кунларда Польшада томлар босиб қолғулик даражада қалин қор ёққани йўқ.

Интернет сайтларида тарқатилган хабарларга таяниб айтилган бўлса, айни кунларда Польша ҳукумати ва экспертлар фожиа сабабларини аниқлаш билан банд.

Интернет материаллари асосида Маҳмуд ХАЛИМОВ тайёрлади

Jinoyat va jazo

Бу ҳаётда ҳамма ҳам фарзанди эс-хушли, одобли бўлиб воёга етишини, атрофдагилар уни "тарбия қилган ота-онанга балли", деб ақлашларини истайди. Қолаверса, инсон фарзандининг орзу-хаваси, тўғларини кўришни орзу қилади. Чунки азал-азалдан фарзанд инсон умрининг мазмуни саналиб келинган.

СЎНГИ ПУШАЙМОН

СУД ОЧЕРКИ

Шунинг учун ҳам айтадиларки, яхши фарзанд ота-онанинг қалбига гурур ва оқувонч бағишлайди, эл-юрт олдиди юзини ёруғ қилади.

Аммо умид кўзини тиккан фарзанд ноқобил чикса, ўзининг одоби, шаъни ва қадр-қимматини билмаса, ота-она бошини эғиб қўяди. Халқ тили билан айтганда, ноқобил фарзанд ота-онани тириклик "ўлдирди"!

Муяссар опа ҳам тўнғич қизи Мухайёни бир дунё орзу-хавас билан турмушга узатди. Қизи тўғайли етти ёт бегона одамлар билан кўда-анда бўлган, иззат-ишон кўрганидан боши осмонга этди. Қиз бола гўлдан нозик, дейишарди. Шунинг учун ҳам ота-она углини ёнида асраса, қизини қоронғида асради. Омон-эсон "ага-сизга топширгач, енгил олади. Муяссар опа ҳам қизини узатиб, кўнгли тинчиди. Етказганига шукр қилди.

Ҳақиқатан ҳам, ўшанда Мухайёнинг табиатида галати ўзгариш юз кўрсатди. Аниқроқ айтганда, у эри, икки нафар фарзанди, онаси, қолаверса, қариндош-уруғларининг юзига оёқ қўйиб, енгил йўлларга юра бошлади. Тўғри, аввалига бу гапларга биров ишонди, биров ишонмади. Лекин бора-бора Мухайё ўз қилғилиklarини ҳеч қимдан яширмайдиган даражада етиб қолди. У уйдан эрта чиқиб кетар, кен пайти турли-туман машиналарда, бунинг устига маст-аласт ҳолда қайтарди. На эрининг, на онасининг панд-насихатларини қулоғига олай демасди.

Аввалига ёш келин-куёв жуда ақил ва тинч-тўвё яшарди. Худди дostonлардаги Тоҳир-Зухро каби бир-бирини авайлашарди. Ушанда уларга ҳаммаининг хаваси келар, биров эртга ва оила парокандаликка юз тутди деса, ҳеч ким ишонмасди.

Бу орада оилада кетма-кет икки фарзанд дунёга келди. Одатда, фарзанд ҳар қандай оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Эр-у хотинни бир-бирига меҳрини оширадди. Афсуски, ҳамма хавас қилдиган бу оилада ақинча

Табийки, унинг бу хатти-ҳаракатини кўриб ҳамма ҳайрон бўлди. Турли миш-мишлар урчигандан уришди.

Она бечора ҳам улар бўлса, ўлиб бўлди. Ахир, ҳали қўшнлардан, ҳали қариндош-уруғларидан Мухайё ҳақидаги миш-мишларни эшитиш осони-ми? Қанинда, ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолсам, деб ўйларди онаизор.

(Давоми тўртинчи бетда)

Юртбошимиз Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Шу боис мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатлар ихросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмаётган. — Куриллаётган янги оиланинг тамал тоши мустаҳкам бўлиши учун аввало, келин-куёв соғлом бўлиши зарур, — деди бошқарма фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) бўлими мудири Гулнора Иномжонова. — Шу боис турмуш кураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиши ҳужжатимиз қарори асосида белгиланган берилди. Бир қарашда бу уларнинг шахсий ишига ўхшаб туюлади. Аммо оила

ОИЛА – МУҚАДДАС МАКОН



жамиятнинг кичик бир бўлаги эканини ҳисобга олсак, унда дунёга келажақ фарзандлар тақдири, халқимиз саломатлигини ўйлаб амалга оширилаётган бундай тадбирларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Бундай хайрли ишларнинг

аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик масала деб қаралаётгани яна бир бор намоён бўлади. Шу боис биз, ФХД

ходимлари бу борада кенг қамровли тушунтириш, тарғибот

сига масъулият билан қадам қўйиш олдидан оилавий муносабатлар ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишда қўл келмоқда. Бунинг самараси ўларок, никоҳ уйларида ташриф буюраётган ёшларнинг деярли барчаси, айниқса, тиббий кўрикдан ўтиш масаласига жиддий муносабатда бўлаётган. Утган йили адлия бошқармаси тасарруфидидаги ФХД идораларида 15 мингдан зиёд никоҳ қайд этилди. Таъкидлаш керакки, бундай шарафли маросимлар сабабчилари бўлган барча келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтди.

ишларини олиб бормоқдамиз. Айни йўналишда бошқармаимиз шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Пойтахтимиз туманларида фаолият юритаётган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида хузурида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда шифокор, ҳуқуқшунос, руҳшунос ва бошқа мутахассислар иштирокида олиб

борилаётган суҳбат ва уршувлар ёшларни бефарқ қолдирмаётди. Никоҳдан ўтаётганларга тақдим этиш учун яратилган "Оила - муқаддас даргоҳ" қўлланмаси бўлажак келин-куёвларнинг янги ҳаёт остана-

Тизимдаги ҳар бир идора, никоҳ уйида "Тиббий кўрик" бурчаги ташкил этилган. Унда мавзуга оид барча маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин. Бошқармада фаолият юритаётган "Ёш оила қурувчилар мактаби"да ҳам соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётини, кизикarli маърузаларнинг ёшлардан иборат доимий тингловчилари кўп. Хозирги кунгача 15 минг нафарга яқин келин-куёв унда бевосита иштирок этди.

Жорий йилдан бошлаб эса бўлгуси оила соҳиблари шахримиздаги Оила маросимлари маркази хузурида ташкил этилган "Оила - муқаддас макон" машғулотларида қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Норгул АБДУРАИМОВА, журналист

Сирли dunyo

БИР СЎЗ ТАРИХИ

Бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Айтмакчи, олдий бир сўзнинг ҳам пайдо бўлиш тарихи бор. Аниқроқ айтганда, кишилик тарихида бирон-бир ҳодисани фойдаланиш учун сўзга эҳтиёж туғилган. Шундан сўнг сўз пайдо бўлган.

Масалан, олдийгина ҳиёнат сўзини олиб кўрайлик. Бу ибора қандай маъно англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Яъни оилага, дўстга, Ватанга... хиёнат.

Қаранг-а, хиёнатнинг ҳам тарихи бор экан. Яъни унинг илдири қадим антик дунёсига бориб тақалади. Уша пайтда ҳам хиёнат — эр-хотин, яъни оила ҳаётига зомин бўладиган ўта зарарли иллат деб қаралган. Ва, табиийки, бундай қилмишга қарши жазо тури белгиланган. Аммо бу қонунларда неғадир эр кишига енгилроқ, аёлга нисбатан шафқатсиз жазо тайинлаш белгиланган.

Яъни ўз эрига хиёнат қилган аёллар бешафкат қатл қилинган ҳақида тарихий ҳужжатлар ашёвий далил сифатида сақланиб, бизгача етиб келган. Мисол учун, эраимизгача 750 йиллар атрофида Вавилон подшоҳи Хаммер Аби эрига хиёнат қилган хотинни жазмани билан бирга қўшиб қатл этиш тўғрисида фармон берган. Фақат истисно тариқасида оилали эркакларга бундай вазиятда қонунда енгиллик белгиланган, лекин бошида эри бор аёллар билан алоқа қилса, қаттиқ жазоланган.

Эраимизгача 325 йилда яшаб ўтган юнон файласуфи Демосфенининг қуйидаги фикрлари бугун ҳам ўз мазмунини йўқотгани йўқ: "Ҳақиқий Эллин даври йигити ўз маҳбубасини суйиб эркакларга, ўзидан кейин қоладиган насл бардавонлигига эришмоқ учун хотиндан лаззат олишга ҳуқуқи бор. Хотин киши эса, ҳатто фикран (ҳаёлида бўлса ҳам) эрига хиёнат қилиши ҳам таъқиқланади. Аёл киши томонидан содир этилган ҳар қандай хиёнат оила ўртасида шафқатсиз жазо топган, ҳатто ўлғунича қалтакланган".

Орадан йиллар, асрлар ўтган сайин бу борадаги қарашлар ҳам шаклланиб, мукамаллашиб борган. Буни эраимизгача 18-йилда Рим ҳукмдори Август томонидан яратилган "Ахлоқ тўғрисида қонун" мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу қонунга кўра, эрига хиёнат қилган хотин илтифоти равишда ўзи ёки отаси томонидан қатлга топ-

ширилиши керак эди. Эркакларга нисбатан эса, бундай қаттиқ жазо чораси қонунда белгиланган бўлмаган. Аммо эркак киши ҳам агар хиёнат содир этса, жазоланмай қолмаган.

XVII-XIX асрлар бадий адабиётида алданган эр ёки эркак ва аёлининг бир-биридан яширинча олиб борган илтифот сарзашлари тасвирланган мавзулар кенг тарқалган эди. Бу асарларда тузилган никоҳ асосан ўзаро ҳисоб-китобларга асосланган эди. Эр оиланинг моддий таъминотига жавобгар шахс ҳисобланган. Бу ҳақиқий, шартномага асосланган никоҳ бўлиб, келажакда ҳар иккала томоннинг моддий жиҳатдан бойиб бориши назарда тутилган. Бойлик ва кўпроқ фойда кўриш севига қатъий қарши турган. Эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муҳаббати асосий рол ўйнамаган. Бундай вазиятда бир-бирига қилинган хиёнатга гуё никоҳни тўлдириб турмучи ҳодиса, деб қараш одат бўлган. Ўзаро никоҳдалик пайтда бойлик орттириш билан овора бўлиб бир-бирини эркалаш, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга майл йўқлиги боис, хиёнатга унча катта эътибор берилмаган.

Бироқ нима бўлганда ҳам, ўша даврларда хиёнат қилувчига нисбатан жамоатчилик фикри кескин бўлган. Хиёнат кеңирилмаган. XIX аср кўпчилиги Оврупо мамлакатларининг жиноят кодексларида кўрсатилишича, ўзаро хиёнат сабаб (қайси жинсга мансублигидан қатъи назар) никоҳ бекор қилинадиган бўлса, хиёнатга йўл қўйган томон олти ойгача озодликдан маҳрум қилинган.

Қиссадан ҳисса шулки, оила — Ватан каби муқаддас тушунча. Эътибор берсангиз, инсониятнинг қадимги авлодлари ҳам оила соғлиги, мустаҳкамлиги, демак, ахлоқий қадриятлар борасида жон куйдиришган, ўйлаб топган қонунлари, турли жазо усуллари пок-соғлом турмуш тарзи юзага келишига хизмат қилди, дея умид қилишган.

Хориж матбуоти асосида Феруза АШИРҚУЛОВА тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси бўйича доцент — 1
2. "Маъмурий ва молия ҳуқуқи" кафедраси бўйича кафедра мудири — 1
3. "Фуқаролик процесси" кафедраси бўйича ўқитувчи — 1
4. "Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
5. "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
6. "Факультетлараро хорижий тиллар" кафедраси бўйича ўқитувчи — 2
7. "Факультетлараро ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси бўйича доцент — 2
8. "Ҳуқуқий информация ва информация технологиялар" кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 2
9. "Жисмоний тарбия" кафедраси бўйича ўқитувчи — 1

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақча.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона, 40-хона.
Телефон: 136-09-39, 133-48-66.

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Начора, она экан чидади. Бу ёқда куёв бечорага ҳам қийин. Эл-юрт орасида бошини кўтариб юра олмай қолди. Чунки Мухайё анди бир кетишда ўн-ун беш кунлаб уйга келмас, аллақерларда дайдиб юрарди.

— Бошимни қайси деворга урай, жонан? — деди куёв бир кун қайнонасига, — икки болалик хотинга яна нима керак? Уй-жойи бўлса, топганимни ундан аямасам. Икки боламнинг хурмати... шунча чидадим. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор...

Кайнона куёвининг олдида уятдан ўлиб бўлди. Ахир, қизини шу йигитга узатиб, ёмонлик қўрмади. Бир йигит бўлса, бир куёв бўлса шунчалик бўлар-да. Урталарида бир-бирдан ширин икки нафар мунчоқдек бола бўлса. Воҳ, ношукур қиз-а...

Муассар опа уйда ана шундай хабарлар гирдобиди ўтирган пайт кутилмаганда эшик очилиб, ўртанча қизи Хамидани олди. Мухайёни олдида солиб, кириб келди.

— Мана ая, бунингизни Эски шаҳардан тутиб келдим, — деди уна жаддан қизариб-бўзариб, — яна "ушалар" билан юрган экан. Юр, аянинг олдида десам, ўланман саттор бормайман, дейди. Сударб олиб келдим.

— Хе бети йўқ, номуздан ўлдирдинг-ку мени, — шу бир оғизгина гапда онанинг бутун нафрати намоён эди.

Ўзи?! Ҳалиям вақт бор. Кўзинини оч! "Кўча"даги ошикларинг сенинг ёшлигингга, ҳозирги хуснингга шайдо, холос. Сен уларнинг яхши гапи-ю, пулига умча. Эрта бир кун хор бўласан...

Она сўзини тугатиб улгурмай Мухайё тилга кирди: — Сиз мени ишимга аралашманг, ая, — деди у безрайиб.

— Номуздан ўлдирарсан-ку, нега аралашмайман. Орқандагидим", демасди.

Она болани кичик қизлари ажратиб қўйди. Мухайё бошидан қон оқиб, ерда ётарди. Жигар барибир жигарда, сингиллари унинг бошини боғлашиб, инкари уйга олиб кириб ётқизишди. Бироз жаҳлидан тушган она ҳам қизининг ёнига кирди. Мухайё оғриқ зарбидан инкиллаб-инкиллаб, кейин ухлаб қолди. Бир оз вақт ўтиб, она қизининг танаси совуб,

яна учта синглинг бор. Мени, отангни, ўйламанган ҳам уларни ўйла. Уларга ҳам совчи келиши, улар ҳам турмуш қуриши керак. Сен қилиб юрган ишлардан кейин эшигингизга совчи йўламай қўйди. Адашиб бир-яримни келиб қолса ҳам сени исингнинг эшитган етти маҳалла наридан айланаб ўтадиган бўлиб қолди. Уятдан кўча-қуйда бош кўтариб юролмай қолди.

Аммо аллақачон шарму ҳаёни унутган, шармандалиқни касб қилиб олган жувонга онаизорнинг ялиниб-ёлворишлари заррача қор қилмади.

СУД ОЧЕРКИ

нафас олмай қўйганини сезиб қолди. Она барибир она экан-да, унинг охи оламини бузди. Бир пасда ҳовлига тумонат одам йигилди. Кимдир милицияга, яна биров "Тез ёрдам"га қўнғирок қилди. Шифокорлар Мухайёнинг кўп қон йўқотиш натижасида дунёдан кўз юмганини қайд этишди...

Бечора она... Ҳаммадан ҳам, унга қийин бўлди. Эрини, икки боласини ташлаб, ёмон ўйга кириб кетган қизини қайтармоқчи бўлди. Нияти яхши эди. Аммо орномус ўтига чиқолмади. Жаҳл устиде ўз қизининг қотилига айланди. Энди нима деган одам бўлди? Эл-юрт нима дейди? Албатта, қамашади, энди эри, фарзандлари нима қилади?! Бўйи етган уч қизининг тўйига қим бош бўлади?! Мухайёдан қолган икки қора кўз норасида гўдақларнинг бошини ким сийлади? Бундай саволларнинг на боши, на адаги

бор... Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси Собиржон Ҳамидов ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагича ҳукм чиқарди.

"Судланувчи Саримсоқова Муважжидани нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган 8 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси шартлига алмаштирилиб, 3 йил си-

нов муддати белгилансин". Суд инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланиб, жазо тайинлашда унинг ўз айбибига тўлиқ иқроғлиги ва чин кўнглидан пушаймонлиги, муқаддас судланмаганлиги, аёл киши эканлиги, қарамоғида беш нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, жабранлуқнинг даввоси йўқлиги ва енгиллик берилишини сўраганлиги, марҳум қизининг гайриахлоқий хатти-ҳаракатдан қайтариш мақсадида, қўлланган жиноятни содир этганлигини эътиборга олди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйсақ бўларди. Лекин биз инсоний нукта назардан озгина мулоҳаза юритишни лозим топдик. Албатта, бу ўринда Муассар опанинг тутган йўлини оқлаб

ЭЪЛОН!
Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги "Юсунком" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси гувоҳнома, печат ва муҳри устави, таъсис шартномалари йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб топилсин.

Jinoyat va jazo

бўлмайди. Аммо...

Тўғри, марҳумлар ҳақида ёмон сўз айтилмайди. Лекин Мухайёнинг қилишини оқлаб бўлади-ми?! Албатта, йўқ! Чунки у ўзининг ахлоқсизлиги билан нафақат оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласидегиларнинг юзини ерга қаратди, балки жамиятнинг ёзилган ва ёзилмаган қонунларини ҳам оёқ ости қилди. Икки қоракўз фарзанди, турмуш ўртоғининг юзига оёқ қўйди. Шунинг учун ҳам унинг ҳаёти ана шундай шармандали яқун топди.

Хўш, бу ўринда ким айбдор? Албатта, энг аввало, бу йўлга кирган Мухайёнинг ўзи айбдор. Қолаверса, сиз-у бизнинг лоқайдлик ва бефарқлигимиз ҳам бу нохуш воқеани юз беришига сабаб бўлган. Ахир, ота-боболаримиз "бир болага етти қўшни ота-она", деган пурҳикмат нақлни бежиз айтишмаган. Шундай экан, атрофга оғоҳлик кўзи билан қарайлик, бировнинг фарзанди нотўғри йўлга кирса, унга томошабин бўлиб турмайлик. Чунки эртага у бизнинг фарзандимизни ҳам ўз ортдан эргаштириши мумкин. Ана унда пушаймон қилишга кеч бўлади. Сунгги пушаймон эса ҳаммиса инсонга душман...

Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай азиз газетхон?!
Илҳомжон СОВТОЛДИЕВ, ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ, "ИНСОН ва қонун" муҳбири

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Бўринош МУСТАФОЕВ
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Пўлат САМАТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Хуршид СОДИҚОВ
Сайфиддин РАҲИМОВ
Махмуд САТТОРОВ
Ислам ҲАМРО
Нормейли НОРПУЛАТОВ

Тахририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрисидаги ушбу масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи:
Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер:
Фарход ХУЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 болама талоч ҳақда, офсет усулида -Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўра кўчаси 41-уй. Буюк-Тўра Г-317. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5